

**Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон қасаба уюшмалари  
Федерациясининг Бухоро вилоят Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-  
иқтисодий масалалар бўйича**

**2026-2028 йиллар учун  
ҲУДУДИЙ ЖАМОА КЕЛИШУВИ**

Бухоро вилояти ҳокимлиги (бундан буён – “Ҳокимлик”), Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилоят Кенгаши (бундан буён – “Қасаба уюшмалари”) ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан буён – “Бошқарма”) кейинги ўринларда “Тарафлар” деб аталувчи мухтор вакиллар тимсолида:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига амал қилиб;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мустақил Ўзбекистон манфаатлари устуворлигини эълон қилиб;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси ва “Ўзбекистон-2030” стратегиясига амал қилган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2025 йил 17 октябрда Ўзбекистон қасаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан бўлиб ўтган учрашувида берилган топшириқларни ижрога қаратган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2026-2028 йиллар учун Бош жамоа келишувига мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўйилган: иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ривожлантириш, иқтисодий салоҳиятни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлиги ва фаолияти самарадорлигини кучайтириш асосида аҳоли турмуш даражасини кўтариш вазифаси сўзсиз бажарилиши лозимлигини тасдиқлаб;

давлат, иш берувчилар ва ходимларнинг ижтимоий масъулияти ва улар ўртасидаги ижтимоий мулоқот муҳимлигини эътироф этган ҳолда;

ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳоли ҳаёт даражасини муттасил ошириб бориш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаш борасида самарали саъй-ҳаракатларни кучайтириш мақсадида ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошира бориб;

ходимларнинг ҳудуд учун умумий бўлган меҳнат шартларини, кафолатлари ва имтиёзларини белгилаб берувчи мазкур Худудий жамоа келишувини туздилар (бундан буён “Келишув”) ва ўз зиммаларига қуйидаги йўналишлар бўйича мажбуриятларни олдилар.

### **I. Иқтисодиётни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш борасида белгилаб берилган чора-тадбирлар ўз вақтида ва сўзсиз бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида Тарафлар келгуси даврда қуйидагиларни ўта муҳим деб ҳисоблайдилар:

1. Мамлакатимизни Жаҳон савдо ташкилоти аъзолигига кириши муносабати билан иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш, саноатни ва ташқи савдони диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, тайёр маҳсулот экспортини рағбатлантириш билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш чораларини жорий этиш ҳисобига миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва барқарорлигини оширишга доир ишларни ҳамкорликда олиб бориш.

2. Иқтисодиётда хусусий мулк улушини ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, фаолиятнинг барча соҳаларида давлат иштирокини камайтириш бўйича ислохотларни янада чуқурлаштириш.

Бунда иқтисодиётнинг реал секторидаги маҳаллий корхоналар ва инновацион корхоналар учун қулай кредитлашни таъминлаш, шу жумладан, импорт ўрнини босиш ва технологик суверенитетни таъминлаш соҳасидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

3. Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси уч йилда аҳоли жон бошига йиллик даромадни 4 минг АҚШ доллариغا етказиш.

4. Вилоятни янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали 16,2 минг камбағал аҳолига барқарор бандлик соҳасида хизматлар кўрсатиш натижасида камбағаллик даражасини 1,1 фоизгача қисқартиришга эришиш.

5. Бюджет сиёсати инсон капиталининг ўсишини қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, иқтисодий ва ижтимоий тенгсизликни камайтириш, Бухоро вилояти иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишни рағбатлантириш ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган бўлишини таъминлаш.

6. Худуд иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш ва ялпи худудий маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмини 77,4 трлн.сўмга (*ўсиш суръати 107,3 фоиз*) етказиш.

7. Саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 168,3 млн. АҚШ долларига етказиш ва 96 минг юқори даромадли иш ўринларини яратиш.

8. Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 2 баробарга ошириш.

9. Рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантдириб, унинг ялпи худудий маҳсулотдаги улушини 2 фоизга етказиш.

10. Вилоятда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини ошириш.

11. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш.

12. Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали 1 гектардан олинadиган ўртача даромадни 5 минг АҚШ долларига етказиш.

13. Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш.

14. Шаҳар ва туманларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш.

15. Барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, шаҳар ва туманлар ўртасида кунлик жамоат транспорт қатновлари асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини ривожлантириш.

16. Тенг рақобат шароитларини яратиш мақсадида саноат, савдо, қурилиш, фармацевтика ва транспорт соҳаларидаги ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини соядан чиқаришга кўмаклашиш.

17. Давлат харидлари бўйича тендер комиссиялари ишига тегишли касаба уюшмалари ташкилотлари вакилларини маслаҳат овози ҳуқуқи билан жалб қилиш.

## **II. Норма ижодкорлиги ишларида иштирок этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш**

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш ва ҳуқуқий ҳимоя механизмларидан самарали фойдаланиш йўли билан ходимларнинг меҳнат,

ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

18. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тегишли касаба уюшмаси ёки касаба уюшмалари бирлашмаси билан келишиш ишларини қатъий таъминлаш (Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунининг 28-моддаси).

19. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини амалиётда қўллаш борасида қуйидагиларни биргаликда амалга ошириш:

Меҳнат кодексини амалиётга кенг жорий қилиш ва Меҳнат кодексига киритилган (киритилаётган) ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида вилоят аҳолисининг хабардорлигини ошириш;

иш берувчи ва ходим ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилишда касаба уюшмаларининг яраштирувчи, мурасага келтирувчи бўғин сифатидаги фаоллигини ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш.

20. Халқаро меҳнат ташкилотининг қуйидаги конвенцияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясига кўмаклашиш.

Ижтимоий таъминотнинг энг кам нормалари тўғрисидаги 102-сон;

Энг кам иш ҳақини ўрнатиш тўғрисидаги 131-сон;

Ҳамшираларнинг бандлиги ҳамда меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисидаги 149-сон;

Меҳнат статистикаси тўғрисидаги 160-сон;

Меҳнат гигиенаси хизматлари тўғрисидаги 161-сон;

Тадбиркор тўловга қобилиятсиз бўлган тақдирда меҳнаткашларнинг талабларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 173-сон;

Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1952 йилги конвенцияни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги 183-сон;

Қишлоқ хўжалигида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 184-сон.

21. Қуйидаги масалалар бўйича юқори турувчи органлар томонидан тегишли норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжат лойиҳалари тақдим қилинганда уларга доир таклифларни биргаликда ишлаб чиқиш:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига оид қонунчилик ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқишга Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама

республика комиссиясини жалб қилишни назарда тутувчи қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича лойиҳа;

платформаларда фаолият юритаётган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш, уларнинг ҳаёти, хавфсизлигини суғурталаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси;

Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат-нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги кодекси, “Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида”ги, “Хорижий таъсир остидаги шахслар тўғрисида”ги қонунлари лойиҳалари;

“тирикчилик учун зарур энг кам миқдор” тушунчасини қонуний тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси;

22. Меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасида қонун билан ўрнатилган тартиб устидан назорат самарадорлигини, шу жумладан, касаба уюшмалари инспекцияларининг иштирокини кенгайтириш йўли билан ошириш.

23. Ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ва ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш, сайёр қабулларни жорий этиш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизми каналларини янада кўпайтириш.

24. Касаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган ҳолатлар бўйича киритган кўрсатмаларини иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) кўриб чиқмаганда ёки ундаги талабларни бажаришни асоссиз рад этганда Давлат меҳнат инспекциясига берилган қонуний ваколатларни қўллаган ҳолда бажарилишини таъминлаш.

25. Агарда қонунларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ташкилотларда касаба уюшмаси қўмитаси мавжуд бўлган барча ҳолларда ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишни шу қўмита билан келишиб олиш.

26. Вилоятдаги олий таълим муассасалари ва малака ошириш бўйича таълим муассасаларида “Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари” мавзусида таълим курсларини киритишга эришиш ҳамда ўтказиб бориш.

27. Ходимлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш.

28. Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган хўжалик жамиятларининг инсон ресурслари билан ишлашга масъул таркибий тузилмаларининг раҳбар ва ходимларини ҳар йилда камида бир марта меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича малакасини ошириб бориш.

29. Халқаро меҳнат стандартларининг мазмун-моҳиятиини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ташкилотларда ижроси юзасидан биргаликда мониторинг ўрнатиш.

30. Тарафларнинг ҳар бирдан 5 нафардан иборат вакиллари таркибида ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллаш бўйича юзага келадиган муаммоли масалалар бўйича маслаҳат кенгашини тузиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

### **III. Меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва аҳолининг турмуш даражаси**

Тарафлар келгуси даврда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай юксалтириб боришни, вилоят фуқароларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилиши зарур деб ҳисоблайдилар. Шу мақсадда Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

31. Мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи ва даромадларини оширишга, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида меҳнат ҳақи улушини 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб туришга доир чоралар кўриш.

32. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар доирасида йиллик инфляция даражасини 5 фоиздан ҳамда фискал тақчилликни 3 фоиздан ошмаслигини таъминлаб бориш, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича амалий чораларини доимий равишда кўриб бориш.

33. Хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилашни жамоа шартномалари ва келишувлари орқали амалга ошириш.

34. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимидан тарифсиз тизимларига ўтишни тегишли тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши ёки унинг бўлинмаси билан олдиндан келишиб олинишини ҳамда ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ)ни баҳолашга бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти сайланма органи вакиллари жалб этилишини таъминлаш.

35. Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда:

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисидаги низом талабларини;

кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланишини ва жамоа шартномасида кўрсатилишини;

Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3130, 2019 йил 23 январь) талабларини бажарилишини таъминлаш.

36. Хотин-қизлар ва эркаклар иш ҳақи ўртасида гендерга асосланган фарқли ҳолатларни ўрганиш ва бундай ҳолатлар аниқланганда, уларни тизимли бартараф этиш чораларини кўриш.

37. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига риоя этилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари касаба уюшмаси кўмиталари билан келишувга биноан белгиланиши, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўйилмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

38. Иш берувчи томонидан иш ҳақини ва бошқа тўловларни тўлаш муддати бузилган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоизлар (пулли компенсация) билан бирга тўланишини давлат ва касаба уюшмалари меҳнат инспекциялари томонидан назоратга олиш.

39. Иш ҳақини ўз вақтида тўлаш масаласини вилоят ҳокимлиги даражасида мунтазам равишда кўриб чиқиш ва зарур ҳолларда иш ҳақидан қарздорликни тўлиқ бартараф этиш чораларини кўриш.

40. Иш берувчиларга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касаба уюшмаси кўмитаси раиси вазифасини бажарувчи ходимга унинг ойлик (лавозим) маошининг (ишбай ҳақ тўланадиган ходимнинг эса ўртача ойлик иш ҳақининг) камида 20 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ тўлашни тавсия этиш.

41. Касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг меҳнат малака даражасини ҳамда меҳнат шароитларини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўланилиши устидан тизимли жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

#### **IV. Меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш**

Меҳнат бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда аҳолини иш билан таъминланганлик даражасининг юксалтирилишини ўз мақсади деб эътироф этган ҳолда Тарафлар янги иш ўринларини яратиш, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида кучларни бирлаштириш зарур деб ҳисоблайдилар ва қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

42. Бандлик йўналишлари, тармоқлар ва ҳудудлар кесимида аҳоли бандлиги йиллик дастурларини ижтимоий шериклар иштирокида ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаб бориш. Бунда барқарор иш ҳақини ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи доимий иш ўринлари, айниқса қишлоқ жойларида яратилишига,

иш ўринларини ташкил этаётган иш берувчиларни янада рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш.

43. Норасмий секторда банд аҳоли улушини жами банд аҳоли (ташқи миграцияга кетганлар бундан мустасно) сонига нисбатан 30 фоизгача қисқартириш.

44. Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2173, 2010 йил 28 декабрь) талаблари бажарилишини назоратга олиш.

45. Ўзини ўзи банд қилганларни ва якка тартибдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан мақсадли жамғармалардан олинган субсидиялар ва кредитлардан (ёки тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа чора-тадбирлардан) фойдаланиш самарадорлигини ҳамда улар яратган иш ўринлари самарадорлигини мониторинг қилиш.

46. Халқаро меҳнат ташкилотининг услубиёти бўйича ҳисоблаб чиқилган умумий ишсизлик иқтисодий фаол аҳолининг 5 фоизидан ошмаслигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбий тайёргарликдан ўтказиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

47. Олий, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар, ёшлар, вояга етмаган фарзандлари бор аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштирилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

48. Меҳнат бозорини таҳлил қилиш асосида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича мутахассислар тайёрлашни, таълим муассасалари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилиши ва иш ўринларида кўнимлиги таъминланиши учун иш берувчиларни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.

49. Ижтимоий шериклар томонидан бандликнинг беқарор турларида банд фуқаролар ҳуқуқлари таъминланишига, хусусий бандлик агентликлари фаолияти устидан давлат ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга, касаба уюшмаларининг ҳамда Савдо саноат палатасининг вакиллари вилоят ва туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги тегишли ишчи комиссиялар таркибига жалб этилишига кўмаклашиш.

50. Юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатилган ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

51. Ишлаб чиқариш корхоналарида малакали кадрларга эҳтиёж юқорилигини инобатга олган ҳолда долзарб касблар (пайвандчи, электромонтёр,

турли дастгоҳларни ишлатиш бўйича мутахассислар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги мутахассислар ва ҳ.к.)га тайёрлаш бўйича қисқа муддатли инновацион ўқув курслар тармоғини кенгайтириш ва улар орқали ҳар йили камида 5,5 минг нафар ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни қамраб олиш.

52. Касбий таълим олишнинг дуал шаклини жорий этиш ва ишлаб чиқаришда “Устоз-шогирд” тизимини рағбатлантириш.

53. Норасмий секторда банд бўлганларнинг камида 10 фоизини иш жойини йўқотишдан ижтимоий суғурталаш билан қамраб олиш.

54. Ёшлар, аёллар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун инклюзив ва адолатли иқтисодий ўсиш натижасида яратилган бандлик ва муносиб меҳнат имкониятлари тўғрисида аҳоли ўз вақтида ва ҳолисона хабардор қилинишини таъминлаш.

55. Ёшлар, хотин-қизлар ва банд бўлмаган аҳоли ўртасида касбга йўналтириш механизмларини тарғиб қилиш бўйича самарали чоратадбирларни, шу жумладан, касбга йўналтириш ва мартабани ривожлантириш марказларини ташкил этиш орқали ишлаб чиқиш.

56. Меҳнат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида аҳоли ва иш берувчиларнинг хабардорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари (ёшлар, аёллар, ногиронлар ва бошқалар)ни чекка ҳудудларда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш орқали ишга жойлаштириш.

57. Хизмат кўрсатиш моделини такомиллаштириш, меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни бошқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат органлари ходимлари меҳнати унумдорлигини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш ва бандлик органлари салоҳиятини кучайтириш.

58. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 1 мартдаги ПҚ–149-сон қарорида белгилаб берилган вазифалар доирасида хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган вилоят фуқароларини ва уларнинг оила аъзолари учун ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

59. Вилоят фуқароларининг хорижга меҳнат миграциясига оммавий равишда кетишини олдини олиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган давлат сиёсати амалга оширилишини, шу жумладан, вилоятда рақобатбардош иш ўринларини барпо этишга кўмаклашиш орқали таъминлаш.

60. “Яшил ишлаб чиқариш” тамойилларини жорий этиш жараёнида энергия тежамкорлиги технологияларига ўтишда иш ўринлари қисқартирилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш.

61. Сунъий интеллект жорий этилиши натижасида иш ўринларини йўқотаётган ходимларни замонавий соҳа ва мутахассисликларга ўқитиш ҳамда бандлигини таъминлаш.

## **V. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси**

Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблаган ҳолда, Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

62. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тизимини жорий этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлашда иштирок этиш.

63. Тармоқ касаба уюшмаларининг тегишли тармоқда меҳнат муҳофазасини кучайтириш бўйича таклифларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилоят Кенгашида умумлаштириб, Федерация ва вилоят ҳокимлигига тақдим этиш.

Вилоят ҳокимлигида ушбу таклифларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилоят Кенгаши ва тармоқ касаба уюшмалари раислари, масъул ташкилотчилар ҳамда мутасадди бошқарма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокидаги учрашувда муҳокама қилиш, чоратадбирлар режасини тасдиқлаш.

64. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда иш берувчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни доимий молиялаштириш.

65. Иш ўринларининг автоматлаштирилиши, меҳнат жараёнида сунъий интеллектдан фойдаланиш натижасида иш ўринлари йўқотилиши сабабли янги иш ўринларини хавфсиз меҳнат шароитларини яратган ҳолда ташкил этиш чораларини кўриш.

66. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар таркибида тузиладиган меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкилотларда меҳнат шароитларини яхшилашга ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтириш.

67. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича вилоят уч томонлама комиссиясининг ваколоти доирасида давлат ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш:

касб касалликлари рўйхатини шакллантиришда тегишли тармоқ касаба уюшмалари билан келишиб олинishi;

ташкилот раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари тўғрисида тўлиқ ахборот олинishi;

корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича тадбирларнинг молиялаштирилиши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилинишини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизимини таъминланиши;

иш ўринларида меҳнат шароитларининг ҳолати, айниқса зарарли (ўта зарарли) ишлаб чиқариш омиллари ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) ишлаб чиқариш омиллари юзасидан назорат амалга оширилиши;

ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган зарарли, хавфли ва бошқача меҳнат шароитларига эга иш ўринларида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши;

дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар белгиланган тартибда ўтказилиши;

иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳолати юзасидан кўзда тутилган мажбуриятларини бажаришини ўрганиш;

ходимларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва компенсацияларни берилиши ҳамда уларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар берилгани, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ва малака оширишдан ўтганлиги;

ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминланиши, шунингдек, жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилиши ҳолати;

ишлаб чиқариш объектлари ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланиш учун қабул қилиш комиссиялари ишида ҳамда тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси мажлисларида мустақил эксперт сифатида иштирок этилиши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш натижадорлиги;

ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларининг бузилиши ва бахтсиз ҳодисаларни яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ваколатли органларга мурожаат қилиниши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича ваколатли вакилларни сайлаш, ўқитиш ва уларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш ҳамда жамоа

шартномалари ва келишувларини улар ўз фаолиятини самарали амалга ошириши учун қулай шароитларни яратиш мажбуриятини киритилиши.

68. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳақида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.

69. Касаба уюшмалари тизимида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан уч томонлама ҳамкорларни жалб этган ҳолда республика кўрик-танловнинг вилоят босқичини ташкил этиш ва ўтказиш.

70. Банд бўлган аҳолининг меҳнатини муҳофаза қилиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида қишлоқ хўжалигида, саноатда, қурилишда, алоқада, ташиш ва сақлашда меҳнат муҳофазасига оид талаб ва меъёрлар стандартларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

71. Ҳар йили 28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб ҳафталик ташкил этиш ва барча ташкилотларда нишонланишини ташкил этиш.

72. Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган меҳнат муҳофазасига оид конвенциялари талаблари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш.

73. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ишларида иштирок этиш, муносиб меҳнат мақсадига етишда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши учун тизимли чора-тадбирлар ижросини таъминлаш.

74. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш.

## **VI. Ижтимоий кафолатлар, ижтимоий ҳимоя**

Ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб ҳаёт учун меҳнат қилиш шарт-шароитларини яратиб бериш мақсадида Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

75. Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини назоратга олиш.

76. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПҚ-2705-сон қарорини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш.

77. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон - 2030” стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурлари бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

78. Ҳар бир маҳаллада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган, кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили “Наврўз” ва “Мустақиллик” байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказиш.

79. Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали кам таъминланган оилаларга, кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

80. Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмалари томонидан ёлғиз кексаларга, шунингдек “Саховат” ва “Мурувват” уйларига моддий кўмак чораларини қўллаш.

81. Давлат ижтимоий ёрдамларини, субсидиялар ёки имтиёзли кредитларни олувчи шахслар билан ижтимоий контрактлар тузилишини таъминлаш.

82. Нотинч ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Оилавий саёҳат” туристик пакетларни жорий этиш.

83. Махсус иқтисодий зоналар ва саноат зоналарида ёш болали хотин-қизларга муносиб иш ўринларини яратиш мақсадида уларнинг фарзандлари учун турли ижтимоий объектлар (боғча, спортзал, болаларга вақтинчалик қараб туриш хизматлари кабилар) барпо этиш.

84. Фавқулодда ҳолатлар юзага келган тақдирда аҳоли учун Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тинчликни ва қарши ҳаракат салоҳиятини таъминлаш мақсадида бандлик ва муносиб меҳнат тўғрисида”ги 205-сонли тавсияси асосида ижтимоий химоя чораларини кўриш.

## **VII. Маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ички туризмни ривожлантириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш**

Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

85. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг фойдали ҳамда мазмунли хордиқ чиқаришларини ташкил этиш мақсадида маънавий-маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ҳамкорликда ўтказиш.

86. Корхона, ташкилот ва муассасалар балансида бўлган спорт иншоотлари, стадионлар, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, соғломлаштириш

муассасаларини иш берувчилар маблағлари ҳисобидан жорий ва капитал таъмирлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш.

87. Давлат хусусий шерикчилик асосида вилоятда ҳар йили биттадан санаторий ва болалар соғломлаштириш оромгоҳлари куриш.

88. Ходимларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратиб бериш (спорт майдончалари ташкил этиш, махсус спорт хоналарини ажратиш), турли спорт секциялари ва тўғарақларига жалб этиш, меҳнат жамоаларида ходимлар гимнастикасини жорий этиш ҳамда жисмоний тарбия жамоалари фаолиятини йўлга қўйиш.

89. Жамоа шартномаси ва келишувларида назарда тутилган маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ички туризмни ривожлантириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда бошқа мақсадлар учун иш берувчи ҳисобидан маблағлар ажратиш.

90. Ҳар йили ишловчи кам таъминланган ва кўп болали оилалар аъзолари, Чернобил АЭСдаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда Ватан олдида хизматлари мавжуд шахсларнинг маълум миқдорини касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул соғломлаштиришни кўзда тутиш.

91. Ёз мавсумида болаларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этишга қаратилган тизимли чоратадбирларни амалга ошириб бориш.

92. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчилари, шунингдек, вилоятнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи болалар соғломлаштирилишига доимий равишда кўмаклашиш.

93. Иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш ва соғломлаштиришларини ҳамда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасидаги саёҳатлари учун шароит яратишларини тавсия этиш.

94. Бухоро шаҳрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилоят Кенгаши томонидан ва туман, шаҳарлар марказларида тармоқ касаба уюшмалари томонидан касаба уюшмалари боғларини ташкил этиш. Ҳар бир ҳудудда касаба уюшмалари боғларини ташкил этиш мақсадида белгиланган тартибда ер майдонларини ажратиш.

95. Корхона ва ташкилотларда касаба уюшмалари ташаббуслари билан ишхона ва маҳаллаларда яшил ҳудудларни кенгайтириш ҳамда тозалик ва ободончилик ишларини ташкил қилиш.

96. Корхона ва ташкилотлардаги касаба уюшмалари жамоалари ўртасида “Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси” танлови ўтказиш ва ғолибларни рағбатлантириш.

### **VIII. Аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолатлар**

Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

97. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус”и бўйича дастурларидан келиб чиқиб ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан:

ишлаётган ёшлар фаолиятидаги, олий ва касб-хунар таълими муассасалари талабаларида салбий ҳолатларни, жумладан, эртанги кунга ишонч сўнишининг олдини олиш, иш ҳақи, меҳнат шароитларидан миннатдорлик ҳиссини уйғотиш мақсадида ёшлар ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини амалга ошириш;

ёшларнинг хорижий тил, компьютер саводхонлиги ҳамда замонавий билимларни мукамал эгаллашларига турли хил ўқувлар ўтказиш орқали кўмаклашиш, улар орасидан салоҳиятли ёшларни танлаб олган ҳолда кадрлар захирасини шакллантириш.

98. Жамоа шартномалари ва келишувларида қуйидагилар назарда тутилишини таъминлаш:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликка йўл қўймаслик.

99. Жамоа шартномалари ва келишувларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш;

ёш болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;

таълим муассасалари битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

хотин-қизларнинг жисмоний фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

хотин-қизлар учун саёҳатларини ташкил этиб бориш;

хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек, сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фойсиз ссудалар бериш.

100. “Касаба уюшмалари – аёллар манфаати йўлида” шиори асосида хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича янги тизимни жорий этиш, унда меҳнат бозорида хотин-қизлар учун тенг имкониятлар яратиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашиш бўйича янги ёндашувларни жорий этиш, қишлоқ жойларида аёллар бандлиги ва тадбиркорлигини кўллаб-қувватлаш дастурларини янада кенгайтиришни назарда тутиш.

101. Меҳнат жамоаларидаги гендер аудит натижаларини муҳокама қилиб, иш берувчилар билан биргаликда хотин-қизларга янада қулай меҳнат шароитларини яратиш бўйича амалий чораларни белгилаш.

102. “Аёллар дафтари” орқали ёрдам кўрсатиладиган аёллар тоифаларига уй-жой ва яшаш шароитини яхшилашга, тиббий ва психологик ёрдамга муҳтож, тазйиқ ва зўравонликка учраган ҳамда ҳуқуқий ёрдамга муҳтож аёлларни ҳам кўшишни назарда тутиш.

103. Тегишли соҳа ва тармоқларда гендер тенгликни таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш ва гендер тенгликни таъминлаш бўйича манзилли стратегияларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

### **IX. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш**

Тарафлар, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маърифий йўл билан ҳал этиш услуби ҳисобланган ижтимоий мулоқот ғоясига содиқлигини эълон қилиб, ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

104. Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл қўймаслик.

105. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича ҳудудий уч томонлама комиссияларнинг роли ва самарадорлигини оширишга, бошланғич даражадаги ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар тузилишига кўмаклашиш.

106. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, шунингдек, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари (кластерлар) иш берувчиларига касаба уюшмаси ташкилотини тузиш юзасидан тавсиялар бериш.

107. Норасмий тарзда банд бўлган (айниқса қурилиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш, фермер хўжаликлари ва бошқа соҳаларда), шунингдек,

кунлик ишчилар ҳамда ўзини ўзи банд қилган фуқароларни касаба уюшмаларига жалб қилиш чораларини кўриш.

108. Ягона музокара жараёнини татбиқ қилиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

барча жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказишни;

тегишли касаба уюшмалари ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасидаги тармоқ ҳудудий жамоа келишувларини тегишли йилнинг январь ойидан, корхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларини эса тегишли йилнинг март ойидан кечиктирмай тузишни;

тармоқ ҳудудий жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларини бажариш яқунларини касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотларининг қўшма мажлисларида, шунингдек, меҳнат жамоаларининг умумий йиғилиш (конференция)ларида ҳар йили 1 апрелдан кечиктирмасдан кўриб чиқилишини.

109. Касаба уюшмаларининг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

вилоят ва туман, шаҳар ҳокимликларининг мажлисларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар кўриб чиқиладиганда касаба уюшмалари вилоят Кенгаши ва тармоқ касаба уюшмалари вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари вакиллари таклиф этилишини;

касаба уюшмалари вилоят Кенгаши, тармоқ касаба уюшмалари туман (шаҳар) кенгашлари раҳбарлари ва масъул ходимларини корхона ва ташкилотлар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳайъатлари мажлисларида иштирок этишини;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарини корхонанинг бошқарув органларига киритилишини.

110. Бошқарма, идоралар ва ҳокимликлар ҳамда тармоқ касаба уюшмалари коллегиял органларининг қўшма йиғилишини ўтказиб борадиган ва йиллик қўшма дастур тасдиқланадиган янги тизимни йўлга қўйиш.

111. Долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг ҳокимлик, бошқармалар, идоралар вакиллари билан жамоатчилик эшитувларини ташкил этиб бориш.

112. Туман, шаҳар ҳокимликлари томонидан тармоқ касаба уюшмалари туман (шаҳар) кенгашларига ўзларининг уставида белгиланган вазифаларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва ҳамкорликдаги фаолиятини қўллаб-қувватлашда амалий ёрдам бериб бориш;

Иш берувчилар ходимлар вакилларининг ҳуқуқларини бузмаслиги, уларнинг фаолиятига қўмаклашишини таъминлаш;

Иш берувчиларнинг корхона, ташкилот, массасаларда бошланғич касаба уюшма ташкилотини тузишга шарт-шароит яратиш ва кўмаклашиш.

113. Ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд бўлганда касаба уюшмасининг тегишли ҳисобварағига ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш.

#### **Х. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги**

114. Мазкур келишув 2026-2028 йиллар учун тузилган бўлиб навбатдагиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади. Келишув Бухоро вилоятининг туман ва шаҳарлари ҳудудида амал қилади.

115. Тарафлар мазкур келишувни ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи ижтимоий шерикликнинг асосий ҳужжати деб эътироф этадилар ҳамда мазкур келишувга амал қилиш, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

116. Мазкур келишув имзолангандан сўнг Тарафлар келишувда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Бухоро вилояти ҳокимлиги вилоятдаги барча давлат бошқаруви органлари, корхона, ташкилот ва муасссалар ҳамда туман, шаҳар ҳокимликларига ижро учун юборилишини, улар томонидан зарур чора-тадбирлар белгиланишини таъминлайди.

117. Мазкур келишувнинг айрим меъёрий ҳолатлари тармоқ ҳудудий жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларига киритиш орқали амалга оширилиши лозим.

118. Мазкур Келишувга имзо чеккан ҳар бир Тараф унинг мақсадлари рўёбга чиқарилиши учун ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олади ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади.

119. Тарафлар мазкур келишувнинг амал қилиш даврида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

б) ҳар йили камида бир марта Келишув бажарилишининг бориши ва яқунларини муҳокама қилиб бориш;

в) ушбу келишув бажарилиши таъминланиб борилаётган тақдирда, иш ташлаш амалларидан воз кечиш.

120. Мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафларнинг ҳар бири унга аввал олинган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган ўзгартириш

ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар беришга ҳақлидир. Ушбу таклифлар Тарафларнинг ўзаро розилиги билан қабул қилиниши мумкин.

121. Мазкур Келишув бажарилиши устидан назоратни ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича вилоят уч томонлама комиссияси амалга оширади.

20 26 йил "12" март да Бухоро шаҳрида тузилди.



Бухоро вилояти ҳокими  
Б. Зарипов

Ўзбекистон қасаба уюшмалари  
Федерациясининг Бухоро вилоят  
Кенгаши раиси

М. Олимов



Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси  
Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси

бошлиғи  
Д. Игамов



*Handwritten signature*

*Handwritten signature*